
КОНТЕЙНЕРДАН ҚЎШИМЧА БИНОЛАР

Бугунги кунда кичкинтойларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиб, қамровини ошириш бўйича туманимизда катта ишлар олиб борилмоқда.

Туман МТБга қарашли 10- ва 12 -мактабгача таълим ташкилотларининг бинолари 120 ўринга мўлжалланган. Ҳар икки МТТ жойлашган ҳудудда юзлаб болалар боғчага кириш учун навбатда туришини инobatга олиб, муассасаларга контейнердан 90 ўринли янги бино қуриб бериш кўзда тутилган эди. Ушбу бинолар қисқа муддат (бир ой)да қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Яқинда ҳар икки муассасада ушбу биноларнинг тантанали равишда очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда болажонлар, уларнинг ота-оналари ва маҳалланинг ёши улуг отахону онахонлари қатнашдилар.

Тантаналарда сўзга чиққан туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов барча иштирокчиларни, шу билан биргаликда муассасада меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни янги бино билан табриклади. Тинч ва фаровон юртимизда ҳамisha болакайларимизнинг қувноқ овозлари жаранглаб туришини, ушбу янги бинолардан буюк инсонлар тарбияланиб етишиб чиқишини тилади.

Тантанада вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т. Холдорев ҳам иштирок этиб, дил изҳорларини баён қилди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-04-07 15:04:07